



«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
Ўзбекистон Республикаси  
Судьялар олий кенгаши раиси  
Х. Ёдгоров

2026 йил «12» июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “СУДЛАРДА КОМПЛАЕНС НАЗОРАТ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ  
ОШИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ПФ-106 ФАРМОНИ ИЖРОСИ ЮЗАСИДАН

ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

| T/p | Топшириқ банди | Топшириқ банди ҳамда амалга ошириш механизми                                                                                                                                                                                   | Муддат                 | Ижрочи ташкилот                                                                                        | Ижрочи                                    |
|-----|----------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------|
| 1.  | Илова 1-банд   | Суд тизимида 2026 йил якунига қадар коррупцияга қарши барқарорлик даражасини диагностикадан ўтказиш ва унинг натижалари бўйича судьялар фаолиятидаги коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш.<br>- Режа-жадвални тасдиқлаш. | 2026 йил<br>25 июль    | Судьялар олий кенгаши<br>Олий суд<br>Бошқарув самарадорлиги агентлиги<br>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги | Н.Бобохонова<br>Г.Шукурлаева<br>И.Хакимов |
| 2.  | Илова 3-банд   | Судьяларнинг Коррупцияга қарши курашиш виртуал академиясида тегишли йўналишлар бўйича махсус ўқув курсларида малакасини оширишни ташкил этиш.<br>- Режа-жадвални тасдиқлаш.                                                    | 2026 йил<br>25 июль    | Судьялар олий кенгаши<br>Олий суд<br>Бош прокуратура<br>Коррупцияга қарши курашиш агентлиги            | А.Хамраев<br>А.Қодиров                    |
| 3.  | Илова 5-банд   | Судьялар ва суд аппарати ходимлари ўртасида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш сиёсатини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>- Ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш.                                          | 2026 йил<br>25 июль    | Олий суд<br>Судьялар олий кенгаши                                                                      | Т.Буваев<br>А.Ядгаров                     |
| 4.  | Илова 8-банд   | Судьялар ва суд аппарати ходимларининг манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияларини таҳлил қилиш ва аниқланган ҳолатлар бўйича чоралар кўриш.<br>Ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш.                                 | 2026 йил<br>25 октябрь | Судьялар олий кенгаши<br>Олий суд<br>Рақамли технологиялар вазирлиги                                   | Х.Садиков<br>А.Ядгаров                    |

|    |                      |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                         |                        |                                                                                                 |                              |
|----|----------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------|
| 5. | <b>Илова 9-банд</b>  | Судьялар, уларнинг турмуш ўртоғи ва вояга етмаган фарзандларининг даромадлари ва мол-мулкани декларация қилиш тизимини ҳамда декларациядаги маълумотларни интеграциялашган тизим орқали текшириш тартибини жорий этиш.<br>Ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни белгилаш.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                   | 2026 йил<br>25 ноябрь  | Судьялар олий кенгаши<br>Коррупцияга қарши курашиш агентлиги<br>Рақамли технологиялар вазирлиги | Х.Садиков<br>А.Ядгаров       |
| 6. | <b>11-банд</b>       | Судьялар олий кенгаши ва Бошқарув самарадорлиги агентлигининг қуйидагиларни назарда тутувчи таклифлари маъқуллансин:<br>(а) Одил судлов академияси ва Бошқарув самарадорлиги агентлиги ҳузуридаги Раҳбар кадрларни баҳолаш марказининг моддий-техника базаси ва илмий-амалий ресурсларидан фойдаланган ҳолда 2026 йил якунига қадар суд тизимида коррупцияга қарши барқарорлик даражасини диагностикадан ўтказиш;<br>(б) Одил судлов академиясида номзодларни судьялик касбига тайёрлашда қўшимча равишда шахсий-профессионал ва коррупцияга қарши барқарорлик даражасини диагностикадан ўтказиш амалиётини жорий этиш. | 2026 йил<br>25 декабрь | Судьялар олий кенгаши<br>Бошқарув самарадорлиги агентли                                         | Ш.Абдуқодиров<br>Х.Камолов   |
| 7. | <b>13-банд</b>       | Судьялар олий кенгаши 2026 йил сентябрга қадар Одил судлов академиясида судьялар ва суд аппарати ходимлари фаолиятида манфаатлар тўқнашуви ва коррупциянинг бошқа кўринишларининг олдини олиш бўйича “реал кейслар”га асосланган ўқув-амалий модулини жорий этсин.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                      | 2026 йил<br>1 сентябрь | Судьялар олий кенгаши                                                                           | Ш.Абдуқодиров<br>Х.Камолов   |
| 8. | <b>Илова 11-банд</b> | Илғор хорижий тажриба асосида судьяларга нисбатан интизомий жавобгарлик чораларини қўллаш масалаларини кўриш механизмларини такомиллаштириш.<br>Асослантирилган таклифларни киритиш.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                    | 2026 йил<br>25 ноябрь  | Олий суд<br>Судьялар олий кенгаши                                                               | Н.Бобохонова<br>Г.Шукурлаева |

|     |                   |                                                                                                                                                                                                                                                                                                          |                        |                                                                   |                                        |
|-----|-------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------|-------------------------------------------------------------------|----------------------------------------|
| 9.  | <b>14.а-банд</b>  | Судьялар олий кенгаши:<br>(а) 2026 йил 1 сентябрга қадар Одил судлов академиясида мавжуд бошқарув штат бирликлари доирасида ички хавфсизлик назорати хизматини ташкил этиш чораларини кўрсин.                                                                                                            | 2026 йил<br>1 сентябрь | Судьялар олий<br>кенгаши                                          | Ш.Абдуқодиров                          |
| 10. | <b>14.б-банд</b>  | Судьялар олий кенгаши:<br>(б) 2027 йил 1 июнга қадар Одил судлов академиясини ISO 37001 коррупцияга қарши курашиш менежменти тизими халқаро стандарти бўйича аудитдан ўтказиш чораларини кўрсин.                                                                                                         | 2027 йил<br>1 июнь     | Судьялар олий<br>кенгаши                                          | Н.Бобохонова<br>Ш.Абдуқодиров          |
| 11. | <b>15-банд</b>    | Судьялар олий кенгаши Олий суд, Одил судлов академияси билан биргаликда судьялар ва суд аппарати ходимларининг ҳар уч йилда коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқув курсларида малакасини ошириш чораларини кўриб борсин.                                                                                  | 2026 йил<br>25 декабрь | Судьялар олий<br>кенгаши<br>Олий суд<br>Одил судлов<br>академияси | Х.Садиқов<br>Ш.Абдуқодиров             |
| 12. | <b>16.а-банд</b>  | Қуйидагилар:<br>(а) Судьялар олий кенгаши – 2026 йил 1 сентябрга қадар судьялар томонидан манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ҳамда даромадлар ва мол-мулки тўғрисидаги декларацияни Кенгашга тақдим этиш, шунингдек, уларни текшириш ва таҳлил қилишнинг автоматлаштирилган электрон тизимини ишга туширсин. | 2026 йил<br>1 сентябрь | Судьялар олий<br>кенгаши                                          | Х.Садиқов<br>А.Ядгаров                 |
| 13. | <b>16.в.-банд</b> | Қуйидагилар:<br>(в) ислохотлар дастурлари ижроси ва белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришилиши учун масъул раҳбарлар ҳар чорак якуни бўйича ислохотларнинг ижро ҳолати ва натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борсин.                                           | 2026 йил<br>1 июль     | Судьялар олий<br>кенгаши<br>Вазирлик ва<br>идоралар               | Х.Ёдгоров<br>Н.Бобохонова<br>Х.Садиқов |

|     |         |                                                                                                                                                                                                                                        |                      |                                      |                                             |
|-----|---------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------|--------------------------------------|---------------------------------------------|
| 14. | 19-банд | Олий суд Судьялар олий кенгаши, Адлия вазирлиги ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин. | 2026 йил<br>8 август | Олий суд<br>Судьялар олий<br>кенгаши | Н.Бобохонова<br>Г.Зиганшина<br>Г.Шукурлаева |
|-----|---------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------|--------------------------------------|---------------------------------------------|